



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 11 октябрь, № 208 (8831)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев
10 октябрь куни техник жиҳатдан
тартибга солиш соҳасидаги ишлар ва
режалар билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича катта марралар белгиланган. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 февралдаги Фармониغا асосан соҳадаги давлат бошқаруви такомиллаштирилди ҳамда янги вазифалар қўйилди.

Сўнгги йилларда 12 мингта стандарт тасдиқланган эди. Йил бошидан буён яна 1 минг 40 та халқаро стандарт қабул қилинди. Махсулот хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида 29 та техник регламент ишлаб чиқилди. Булар саноат корхоналари ва тадбиркорларга етказилиб, сертификатлар олишига қўмаклашляпти.

Мутасаддилар соҳада қилинган ишлар, йил якунигача ва кейинги йилга мўлжалланган режалар бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари ташқи бозорларга чиқиш учун самарали техник тартибга солиш тизими шартлигини таъкидлаб, қўшимча вазифаларни белгиллаб берди.

Бугунги кунда юртимиздаги 269 та лабораториядан атиги 64 тасида ўтказилган синовлар халқаро даражада тан олинади. Оқибатда тадбиркорлар махсулотларини экспортга олиб чиқишда қўшимча синовлар ўтказишга мажбур бўлмақда.

Шу боис халқаро тан олинадиган лабораторияларни кўпайтириш, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда 10 та янги лаборатория ташкил қилиш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидан бормоқда. Техник тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни ушбу ташкилот талабларига мослаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йил 340 та миллий стандарт, 2025 йил якунигача яна 38 та регламент ишлаб чиқилади. 28 та техник қўмита, лабораториялар фаолиятини рақамлаштириш ҳам муҳим. Бунинг учун "Техник тартибга солиш" электрон платформаси ишга туширилади.

Соҳада сифат ва самарани таъминлаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган мутахассислар керак. Шу боис соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топширик берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни амалий ташриф билан Ашхобод шахрига келди.

Давлатимиз раҳбарини аэропортда Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Тангригули Атахаллиев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Асосий тадбирлар 11 октябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон етакчиси туркман шоири ва мутафаккири Махтумкули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағиш-

ланган «Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси» халқаро форумининг ялпи мажлисида нутқ сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари тадбир доирасида икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказлади.

Ў.А.

Ўзбекистон — Туркменистон:

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИГА СОДИҚЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев атоқли туркман мутафаккири, Шарқ мумтоз адабиётининг етук намоянчаси, шоир ва маърифатпарвар Махтумкули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этиш учун 10 октябрь куни Туркменистонга ташриф буюрди.

Биз ва жаҳон

Бошланган ташриф мамлакатларимиз чўқур тарихий илдиэларга эга бўлган яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш сиёсатида содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Туркменистон минтақадаги яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлардир. Давлатларимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенглик таъминлашга асосланган самарали сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш орқали ҳамкорлиқни фаоллаштириш йўлини белгиллаб олди.

Туркменистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудини яратиш, минтақанинг халқаро майдондаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган замонавий очик, конструктив ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича икки давлатнинг нуқтаи назари ва позицияларни мос келади ёки ўхшашдир.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда давлатлараро муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

2017 йил икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда тарихий палла бўлди. Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга ташриф буюриши

тонга учта ташрифи, жумладан, 6-7 март кунлари давлат ташрифи амалга оширилди. Бу давлатимиз раҳбарининг олий лавозимга сайланганидан кейинги илк расмий хорижий сафаридир. Ушбу чўқур рамзий қадам икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди ҳамда уларга динамика ва кенг қамровли тус берди.

2022 йилда икки давлат раҳбарлари ўзаро расмий ташрифлари, 2023 йилда эса кўп томонлама шаклларда иштирок этиш доирасида амалий ташрифлар билан алмашди. Ушбу учрашувлар, шубҳасиз, Марказий Осиёдаги умумий минтақамизда узок муддатли барқарор шериклик, тинчлик ва яхши қўшничиликни ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқори даражадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Парламентлараро ва идоралараро алоқалар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда

мустаҳкамланиб бораётир.

Бугунги кунда 314 та икки томонлама, жумладан, давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан иборат бўлган ҳуқуқий база шаклланган.

Шунингдек, Туркменистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2023 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди, жорий йилнинг январь — август ойларида ушбу кўрсаткич қарийб 520 миллион долларга етди.

Минтақалараро ва трансчегаравий ҳамкорлик икки томонлама шерикликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз вилоятлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Томонлар жорий йилнинг ноябрь ойида Туркменистон шаҳрида иккинчи Худудлараро форумни ўтказишга тайёргарлик қўймоқда.

➡ 2

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашларига сайловлар бўйича
сайлов кампанияси доирасида
сиёсий партияларнинг
сайловолди ташвиқоти
давом этмоқда.
Бугунги сонда Ўзбекистон
Халқ демократик партияси
номидан «Ижтимоий давлатга
самарали ижтимоий сиёсат
орқали эришамиз!» сарлавҳали
мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Саммит

Рақамли дунёда
киберхавфсизликнинг аҳамияти:

ЕЧИМЛАР, ТАҲДИДЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Киберхавфсизлик маркази ва "Dialogue Events" компанияси ҳамкорлигида "Киберхавфсизлик саммити — Марказий Евроосиё, CSS — 2024" II халқаро киберхавфсизлик саммити ташкил этилди.

Ўттиздан ортиқ давлатлардан олтинчи яқин компаниялар, юздан зиёд делегатлар, шунингдек, Жанубий Корея, Озарбайжон, Туркия, Грузия, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон каби ўндан ортиқ хорижий мамлакатларнинг тартибга солувчи органлари ҳамда халқаро ташкилотлар — Халқаро электралока иттифоқи, "FIRST", "SABABA" вакиллари қатнашган ушбу нуфузли саммитда Ўзбекистоннинг рақамли инфратузилмасини мустаҳкамлаш, хусусан, киберхавфсизлик бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва ютуқлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, юртимизда давлат идоралари рақамлаштирилиб, аҳоли учун онлайн хизматлар сони кенгайтирилди. Киберхавфсизлик, яъни хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмақда.

Икки кун давом этган тадбирда малакали экспертлар соҳанинг ҳозирги ҳолати ҳамда ундаги муаммоларнинг самарали ечими ҳақида фикр юритди. Минтақавий киберҳамжамият учун ўзаро тажриба алмашиш, замонавий ечим-

ларни намойиш этиш, муҳими, ўзаро манфаатли асосда янги имкониятларни очиб юқори даражадаги халқаро интерфаол платформа яратишга қаратилган ушбу тадбирда ялли муҳокамалар, тақдирот сессиялари, кўргазма ва қатор қизқарли тармоқ тадбирлари ўтказилдики, бу қатнашчиларга технологиялар ҳамда ечимларни самарали ва фойдали тарзда намоиш этиш, янги бизнес алоқаларини яратиш имконини берди.

Конференциянинг умумий мавзуси рақамли дунёда киберхавфсизликнинг аҳамияти, мавжуд таҳдидлар, уларни бартараф этиш ва соҳани янада ривожлантиришда ҳамкорлик, муҳим инфратузилма ва бизнес активларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди. Анжуманда олтинчи яқин маърузачилар ўз компаниялари ва тақлифларини тақдим этди.

Тадбир доирасида "Cyberkent 2.0" ҳамда "CTF" мусобақаларига ҳам старт берилди. "Cyberkent 2.0" республика мусобақаси доирасида "Workshop" семинар-тренинги ҳам ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

«ҚИЗЛАРЖОН» БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатида олий таълим муассасалари "Қизларжон" клуби раислари ва хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раислари билан учрашув бўлиб ўтди.



Унда сенаторлар томонидан кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти юзасидан маълумот берилди.

Шунингдек, юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим олишлари учун кенг

имкониятлар яратиш, касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳаларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш устувор вазифага айлانгани алоҳида ургуланди.

Айни чоғда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари ва мақсадлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги нормалар аҳамияти хусусида кенг тушунтиришлар берилди.

Мулоқот давомида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш ва оғир ижтимоий аҳволдаги опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш орқали уларни ҳимоя қилиш чоралари қўрилаётгани, муҳими, ушбу савий-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани айтиб ўтилди.

➡ 2

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ЙЎЛ ҲАРАКАТИГА ОИД АЙРИМ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан йўлларда ҳаракат иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг эркин ҳаракатланишига шароит яратишга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.



Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуардан, пиёдалар ва велосипед йўлакларидан, яшил ҳудуд майдонларидан юргизиши, шунингдек, йўл ҳаракатига қасддан, жумладан, ноқонуний тўсиқлар ўрнатиш ёки тўсиб қўйиш

билан ҳалал бериш, йўл ҳаракати иштирокчилари ҳаракатига тўсқинлик қилувчи бошқа қурilmаларни ўрнатиш билан боғлиқ қоидабузарликлар учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси масъул кўмита томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

➡ 2

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР МЕРОС

Самарқанд шаҳрида "Мирзо Улуғбек: буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Конференция

Ушбу анжуман давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 сентябрдаги "Буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилмоқда. Унда қатор халқаро ташкилотлар, дунёга машҳур нуфузли университетлар вакиллари, таниқли астроном олимлар иштирок этапти.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонасида бўлиб улуг аллома ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шароф Рашидов номидagi Самарқанд давлат университетида конференциянинг очилиш маросими ташкиллаштирилди.

Сўз олганлар халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг миллий ўзлиқ, тарихий хотира, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғулари янада юксалтиришга қаратилган ишлар силсиласида буюк аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, меросини чўқур ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

➡ 2

Факт ва рақамлар



Республикаимиз бўйлаб кутубхона фойдаланувчиларининг энг кўп тоифасини 15 — 24 ёшдаги ёшлар ташкил этади, уларнинг умумий сони **6,2 млн.** кишига етади.

КУТУБХОНАЛАР ВА ТАЪЛИМ СИФАТИ

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Таълимга давлат харажатлари 2019 йилдаги ЯИМнинг 5,6 фоизидан 2021 йилда **6,2 фоизга** ошди.

2023/2024 ўқув йили бошида Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ўқитувчилар сони **548 минг** нафарни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 4 йил ичида **61 минг** кишига кўпайди.

Ўзбекистон биринчи марта PIRLSда иштирок этган бўлиб, тадқиқотда юртимиздаги **180** мактабдан **5 минг 948** нафар ўқувчи, шунингдек, уларнинг ота-оналари, мактаб директорлари ва синф раҳбарлари қамраб олинди.

Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.

Ўзбекистон — Туркменистон:

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИГА СОДИҚЛИК ТИМСОЛИ

Икки давлат минтақада йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Транспорт соҳаси ҳам муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтайди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар ҳамма-авайлаш умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар ришталарни ривожлантириш учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки давлат ҳудудларида ўтказилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестивал ва танловлар, спорт мусобақаларида доимий тарзда иштирок этади.

Ўзбекистондаги туркман диаспораси салкам 200 минг кишини ташкил қилади. Юртимизда туркман тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Хусусан, Ўзбекистонда туркман тилида таълим берадиган 44 та мактаб мавжуд. Қорақалпоқ давлат университети туркман филологияси, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг марказий “Ёшлар” ва Қорақалпоғистондаги “Дияр” радиоканалида туркман тилида дастурлар эфирга узатилмоқда.

Албатта, ўзаро маданий алмашинув халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустақкамлаш ва ўзаро англашувни оширишга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи нуктаи назаридан Ўзбекистонда туркман халқининг буюқ фарзанди Махтумқули Фироғийнинг бой мероси барчага маълум ва юксак қадрланаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги босқич бошланган бугунги кунда Махтумқули Фироғийнинг ўлмас бадий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шоир хотира-



сига 2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқларининг абадий дўстлиги ҳамда биродарлиги белгиси сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига буюқ туркман шоири Махтумқули Фироғий номи берилди ва унинг шарафига ёдгорлик ўрнатилди. Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан пойтахтимизда Ашхобод боғи фаолияти йўлга қўйилди. Хивада барпо этилган Махтумқули ёдгорлик мажмуаси ҳам унинг ижоди мухлисларини ўзига тартадиган масканга айланган.

Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизда шоир таваллудининг 300 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингани ўзбек халқининг Махтумқули Фироғийга, унинг шахсида эса қардош туркман халқига ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин ифодаси бўлди. Ҳужжатда Махтумқули Фироғийнинг “Танланган асарлари”ни ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий мақолалар тўпламини чоп этишга тайёрлаш ва нашр этиш, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида спектакль сахналаштириш, Ўзбекистон ва Туркменистон кино усталари ҳамкорлигида Махтумқули Фироғийга бағишланган бадий фильм яратиш кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг атоқли туркман шоири ва мутафаккири таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиши қардош туркман халқининг маданияти ҳамда меросига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишини яна бир бор тасдиқлайди ва албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустақкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

«Дунё» АА.

«ҚИЗЛАРЖОН» БИЛАН МУЛОҚОТ



Қолаверса, хотин-қизларни турли таъйиқ ва эъравонликлардан самарали муҳофазалаш, оилавий қадриятларни мустақкамлаш, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараёнлардан бири бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнларига тўхталиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИАТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Равшанбек Алимов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Жалақудуқ, Ҳўжа-обод, Қўрғонтепа, Булоқбоши туманлари ва Хонобод шаҳри маҳаллий Кенгашлари депутатлари, котибият мудирилари ҳамда ҳокимлик вакиллари, ёшлар ва тарғиботчилар қатнашди.

Йиғилишда Сенатнинг эллик саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳамда кўриб чиқилган бошқа масалалар мазмун-моҳияти аҳолига тушунти-

қайд этилганидек, Ўзбекистонда парламент сайлови илк бор янги тахрирдаги Конституция ва сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгартаришлар асосида ўтказилмоқда. Ҳозирги пайтда ана шу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари изчил олиб борилаётир.

Тадбир иштирокчиларига ана шу тайёргарлик жараёналари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

Хабар

МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ТОМОНИДАН НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Ижтимоий тармоқларда пахта йиғим-терими қилмаган фуқароларга нафақа пули тўланмаслиги, шу билан бирга, мактаб ўқитувчиларининг пахта йиғим-теримига мажбуран жалб этилиши билан боғлиқ тарқалган хабарлардаги ҳолатлар Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия томонидан назоратга олинди.

Бундай ҳолатлар зудлик билан ўргани-

лади ва масъулларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилиши таъминланади.

Шу каби ҳолатлар аниқланган тақдирда “12-82” ва “10-92” қисқа рақамларига ёки @munosibmehnat_bot телеграм боти орқали мурожаат қилиш мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия.

ФАОЛЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳасида улкан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, юртимизда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини диққатга сазовордир. Турли вазирлик ва идоралар қаторида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти жамоаси томонидан ҳам хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўмаклашиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Гендер тенглиги

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қилинди.

Ҳужжатда бир қатор бошқарма ва муассасаларда аёллар сонини камида 30 фоизга етказиш, хотин-қизларни ўқитиш ҳамда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун маблағ, уй-жой шароитини яхшилаш ва субсидиялар ажратиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда “Ўзкимёсаноат” АЖ тармок қорхоналарида 28 минг 301 нафар мутахассис фаолият юритади, шулардан 9 минг 883 нафари, яъни 35 фоизи аёллардир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тизим қорхоналарида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий қилиш белгиланди.

Маслаҳатчиларнинг вазифалари қаторига аёл ходималарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аёллар ҳамда эркаклар учун тенг меҳнат шaroитларини таъминлаш, шунингдек, жамоа аъзоларининг оилалари фаровонлигини қўллаб-қувватлаш каби муҳим тадбирлар кирди. Оилада эъравонлик, аёллар ҳамда қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, мактабгача таълим муассасаларида бахтли оналик ва бола парваршини учун зарур шарт-шaroитларни таъминлаш, халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги меъёларида белгиланган хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этиш жараёнларини мунтазам назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллиги, давлат ва жамият жабҳаларидаги, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишдаги ролини ошириш учун шарт-шaroит яратилмоқда. Ходималаримизнинг касбий ўсиши, илм-фан ва ижод, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шугулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун имкониятлар мавжуд.

Эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган. Хусусан, ёлғиз оналарга ёки ногиронлиги бор болаларни тарбиялаётган аёлларга дори-дармон сотиб олиш, уй-жойни таъмирлаш учун



тўлов, болалар овқатлари хариди учун моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар орасида тарбиявий ишларни фаоллаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг замонавий усулларини жорий этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида 500 дан зиёд аёллар меҳнат қилаётган қорхоналарда хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи, бош мутахассислар, психолог лавозимларини жорий этиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда “Навоийазот” ва “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятларида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда психологлар, “Максам-Чирчик” акциядорлик жамияти, “Аммофос-Максам” акциядорлик жамияти ва Кўнгирот сода заводида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келишаётир.

Ўтган йилда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан моддий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш доирасида 5 нафар ходиманинг хонадонида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2 минг 766 хотин-қизга дори-дармон сотиб олиш харажатлари тўлаб берилди, 3 минг 779 нафар ҳам таъминланган оилага озиқ-овқат пакетлари, 26 нафар ёлғиз онага олий ўқув юртларида ўқиётган фарзандларининг таълим олиш учун шартнома пуллари тўлаб берилди. 134 нафар кўп болали онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз ва қорхоналар раҳбариятининг бундай ғамхўрлигига хотин-қизлар меҳнатдаги муваффақиятлари, юксак ижтимоий фаоллиги билан жавоб беришмоқда. Жумладан, ўтган йилда “Навоийазот” акциядорлик жамияти полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори Насиба Файзуллаева Президент Фармонида бинон “Шуҳрат” медали билан тақдирланган бўлса, бундан бири йил аввал шу қорхонанинг поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ходи-

маси Махлуё Шарипова “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланган эди.

Айтиш керакки, юртимизда акциядорлик жамиятининг хотин-қизлар фаоллигини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти юксак баҳоланмоқда. Айнан Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган “Аёлга саодат беринг!” шiori остидаги ижтимоий роликлар танловида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти аёллари ҳақида тайёрланган видеоролик иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Бу хали ҳаммаси эмас. Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган “Гендер тенглик фаоли — 2022” миллий танловида аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан энг фаол қорхона сифатида “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти жамоаси гендер тенгликни таъминлагани учун эътироф этилди. Мазкур қорхонанинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси Мухтасар Каримова жорий йилда “ИБратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланди. Қолаверса, ўтган йили мазкур танловда “Навоийазот” акциядорлик жамияти ғолиб бўлган бўлса, ушбу қорхонанинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Содикова “Мўстабақ аёл” кўкрак нишони билан рағбатлантирилди.

Жорий йилда акциядорлик жамияти қорхоналарида илк бор “Фаол инноватор аёл” кўрик-танлови ўтказилди. Унда кимёгар аёллар 22 та лойиҳа билан иштирок этди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Эътиборлиси, танловда ғолиб бўлган хотин-қизлар малака ошириб, ўз қорхоналарида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирага киритилди. Энг яхши лойиҳалар қорхона маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун тақлиф этилади. Келгусида ўрта махсус маълумотга эга иштирокчилар ғолиб бўлса, унга ихтисослаштирилган олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тавсиянома берилади, шартнома асосида қабул қилинган иқтидор эгаларига эса харажатлар қорхона томонидан тўланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизларни илм-фан, таълим ҳамда илмий-ижодий фаолиятга кенг жалб этиш, замонавий кадрлар тайёрлашда, меҳнат базорида талаб юқори бўлган касблар, аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини қўллаш борасида юкс вазифалар белгиланган эди.

Унинг ижроси доирасида акциядорлик жамиятининг тўрт нафар ходимаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида “Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари” бўйича қисқа муддатли курсда таҳсил олиб сертификатларга эга бўлди. Бу билан Кузатов кенгаши

таркибига кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Маълумки, бугунги кунда аёллар бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига қўтарилган. Шу боис “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан бу борада хайрли ташаббуслар амалга оширилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ижроси юзасидан ипакчилик йўналиши бўйича кимё саноати қорхоналари ходималарининг оила аъзолари учун қўшимча иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, ҳар бир қорхонада юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос ёндашувлар қўлланилди.

Масалан, “Навоийазот” акциядорлик жамияти томонидан ходималарнинг ишсиз оила аъзолари рўйхати шакллантирилди. Кармана туманидаги “Navoi Silk Production” акциядорлик жамияти, Навбахор туманидаги “Al-Aziz Iragi” клас-тери билан 100 нафар пиллакдорнинг ҳамкорлиги асосида 112 нафар ипакчининг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат шартномалари имзоланди. Жами 212 нафар ишсиз фуқаро мавсумий иш билан таъминланди. Натижада пиллачилар 10200 килограмм пилла топширди. Шунингдек, “Навоийазот” акциядорлик жамиятига қарашли бўш ҳудудларга 20 минг туپ тут кўчати экилди.

Яна бир тизим қорхонаси — “Аммофос-Максам” акциядорлик жамияти билан 125 кишини мавсумий ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилди. Тошкент вилоятининг Бўка туманида “Toshkent Silk Pro” МЧЖ билан ҳамкорликда 65 нафар, Оҳангарон туманида “Jinju Silk Co” МЧЖ ХК билан ҳамкорликда 60 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Пиллачилар саккиз тоннадан зиёд пилла топширди, қорхона ҳудудига 20 минг туپ кўчат экилди.

“Максам-Чирчик” акциядорлик жамияти “Nurafshon Silk Co” МЧЖ билан шартнома тузиб, яна 100 нафар фуқарони вақтинча иш билан таъминлаш мақсадида ипак кўрти етказиб беришни ташкил этиб, уларга 5900 килограмм пилла, майдонларга экилган саккиз минг туп кўчати топширилди. Шунингдек, “Яшил макон” умумий-миллий лойиҳаси доирасида “Максам-Чирчик” ва “Аммофос-Максам” акциядорлик жамиятлари ҳудудларида “Кимёгар аёллар боғи” барпо этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш дастури асосида “Ўзкимёсаноат” ва “Навоийазот” акциядорлик жамиятларида миллий матолар — атлас, адрас, бекасам, табиий ипак, калава, жун ва миллий матоларни қўлда ишлаб чиқариш бўйича ҳунарманд аёлларни жалб этадиган “Навоий адреси” касаначилик цехи ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Пировад мақсад эса хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган.

Санобар АБДУРАҲМОНОВА, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси.

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШГА ОИД ВАКОЛАТЛАРИ МУСТАҚКАМЛАНАДИ

Айни пайтда **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси** томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлар ва инспектор-психологларга доир ваколатларини Миллий гвардия органларига ўтказиш н назарда тутувчи ўзгартариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бунда Миллий гвардиянинг болалар билан ишлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиналари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, жумладан, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганлик, жамоат жойларида тамаки ёки алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганик, шунингдек, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлиги бўйича ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо чораларини қўллашга доир ваколатларини мустақкамловчи ўзгартаришлар киритилиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси Миллий гвардия органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

ДАВЛАТ БОЖИ ТўЛАШДА ИМТИЁЗЛАР

Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан “Давлат бож тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан иссиқлик ва электр энергияси таъминотчилари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар билан фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод қилиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси энергетика соҳасида тўлов интизомини мустақкамлашга, аҳолининг сифатли иссиқлик ва электр энергия хизматлари билан таъминланганлик даражасини оширишга ҳамда қардорликларни қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг фракциялари ййиғилиши кун тартибига киритилиши режалаштирилмоқда.

ЖОНЛИ ИЖРОНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларига концерт-томоша тадбирларида қўшиқ ва асарларни ижро этишда фонограммалардан фойдаланиш усулларини белгиловчи, шунингдек, фонограммалардан фойдаланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартиби ҳақидаги қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, концерт-томоша дастурида ижрочилар ва асар муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шартлиги белгиланпти. Қолаверса, концерт-томоша тадбири ташкилотчилари концерт бошланишидан олдин фонограммалардан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган аудиохабар тарқатилишини таъминлашга оид нормалар белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда мазкур қонун лойиҳаси масъул кўмита томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисига муҳокама қилиш учун тайёрланмоқда.

Шунингдек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармонининг тегишли бандлари ижроси юзасидан қатор вазирлик ва идораларнинг ахборотлари муҳокама қилинмоқда.

«Халқ сўзи».

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР МЕРОС



Буюқ қомусий олим, Теурийлар давлатининг машҳур ҳукмдори Мирзо Улугбек ана шундай сиймолардан бири. У ўзининг бой илмий-маърифий мероси ҳамда мислсиз бунёдкорлик фаолияти билан юртимиз тараққиёти ва жонан цивилизациясига ривожга бекиёс ҳисса қўшган.

Конференциянинг очилиш маросимида Франциядаги Теурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси раҳбари Федерик Брессанд хоним онлайн иштирок этиб, у бошчилигидаги жамиятининг Европа давлатлари, хусусан, Францияда Мирзо Улугбек меросини ўрганиш борасида амалга ошираётган ишлари ва келгуси режалар

ри ҳақида маълумот берди. Мазкур ассоциация ташаббуси билан Франция ва Ўзбекистондаги театр актёрларидан бири. У ўзининг бой илмий-маърифий мероси ҳамда мислсиз бунёдкорлик фаолияти билан юртимиз тараққиёти ва жонан цивилизациясига ривожга бекиёс ҳисса қўшган. Шундан сўнг Мирзо Улугбек таваллудининг 630 йиллиги муносабати билан нашр этилган буюқ мунажжимнинг “Зики ҳадиди Қўрагоний” ва “Тўрт улус тарихи” номли асарларининг бир неча тилда янги нашрлари тақдироти ўтказилди. Анжуман “Шарқ астрономиясига ҳомийлик ва ҳомийлар” “Мирзо Улугбек даврида илмий ва маънавий ҳаёт” мавзулари бўйича шўьбаларга бўлинган ҳолда давом этди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТГА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ОРҚАЛИ ЭРИШАМИЗ!



Кучли ижтимоий сиёсат — Халқ демократик партиясининг бош ғояси саналади. Айни йўналишда қутилган натижага эришиш учун **“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”**, деган тамойил асосида сиёсат олиб бориш талаб этилади. Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра, Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Бу, аввало, инсон салоҳиятини рўёбга

Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш

Партиямиз асосий ғоя ва мақсадларига мос тарзда барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада пенсионерлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар бирламчи аҳамият касб этади.

Глобал миқёсда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам узоқ умр кўриш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Бу тенденция, бир томондан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилаётганидан далолат берса, иккинчи томондан, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича зарурат кучаяди.

Биз пенсия тизимида янгича ислохотлар ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига етарли бўлиши керак. Бизда пенсиянинг ижтимоий жиҳатдан муносиб даражасига эришиш бўйича қилинадиган ишлар кўп.

Нима учун давлат пенсия таъминоти тизимини қайта ислох қилиш зарур, деган ғояни илгари сурмоқдамиз?

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 46-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Бу борада партия **пенсия жамғармасининг фаолиятини замонага мослаштириш ва адолатли пенсия тизимини яратиш зарур**, деган қатъий фикрда. Бу тизим шаффоф ишлаши долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда касбий пенсия режалари мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари учун бадал ставкаси пастлиги, фуқаролар ўз жамғармаларини ихтиёрий равишда бошқа молиявий инструментларга йўналтириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам эътибор қаратиш керак бўлган масалалардан саналади.

Бу борада Халқ демократик партияси **фуқароларга шахсий жамғариб борилаётган пенсия доимий равишда онлайн равишда кузатиш имкониятини бериш** тақдирини илгари сурмоқда.

Меҳнат фаолияти маҳсулидан даромад ва ижтимоий солиқларни тўлаган пенсионерларнинг муқаддам тайинланган пенсиясини қайта ҳисоблаган ҳолда оширилган миқдорда тайинлаш мақбул ечимдир.

Энг муҳим жиҳатлардан бири — **Халқ демократик партияси мамлакатимизда пенсия ёшини оширмаслик керак**, деган позицияда қатъий туради.

Ёшга мос таълим

Партиямизнинг асосий ғоялари замирида таълим билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутати. Келажакни билимли, зукко ва ақли мутахассислар, малакали кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабдан дастурда **тезлаштирилган таълим ғояси** ҳам илгари сурилмоқда.

Гап ҳаётга бошқача нигоҳ билан

қараб, онгу шуурини ўстираётган, аτροφни, оламни, унинг билимларини ўрганишнинг дастлабки босқичида турган болалар ҳақида кетганда, бунга ниҳоятда жиддий кўз билан қараш талаб этилади.

Масалан, маълум сабабларга кўра, биринчи синфга кеч борган болаларнинг, кейинчалик ўз тенгдошлари сафига қўшилиб, улар билан тенгма-тенг билим олиши жажжи ўқувчиларнинг ўзига ишончини оширади. Ўзи билан бир йилда туғилган болалар билан бир синфда ўқиш, улар билан елкама-елка туриш орқали бола ўзини айро хис қилмайди, “Нега мен ўз тенгдошларимдан орта қолишим керак”, деган фикрлар билан кўнглини ўқситмайди.

Биринчи синфга кеч борган болаларга тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш ташаббуси уларнинг интеллектуал, ижтимоий ва эмоционал ривожланиши учун қулай муҳит яратиш зарурати билан асосланади.

Хорижий давлатларда тезлаштирилган таълим асосида иқтидорли болаларни юқори синфларга ўтказиш амалиёти кенг тарқалган. Бундай ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар, жумладан, мослаштирилган ўқув дастурлари, малака ошириш курслари ва мослаштирилган ўқув материаллари мавжуд.

Халқ демократик партияси фикрича, **ушбу ёндашув ўқув жараёнининг ҳар бир ўқувчи эҳтиёжлари ва хусусиятларига мос келишини таъминлашга имкон беради.** Бу эса уларнинг таълим натижалари яхшиланишига ва ўқув жараёни самардорлиги ошишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси **биринчи синфга кеч борган болалар учун тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш** тақдирини илгари сурмоқда. Бу ҳар бир боланинг ақлий ва руҳий ривожланиши учун керак. Шу нукта назардан, боланинг ёши у билимини ўрганиши учун аҳамиятли. Демак, бола ўз тенгдошлари билан таълим олиши керак, улардан ортада қолмаслиги зарур. Шунинг учун биз **тезлаштирилган таълим бериш методларини амалиётга кенг татбиқ этишимиз лозим.**

Замонавий кадрларни тайёрлаш борасидаги янги одимлар

Глобаллашув ва жаҳон интеграцияси натижасида бугун хорижий тилларни мукаммал билиш, ИТ дастурларини ўзлаштириш замонавий инсон ҳаётида ва иш фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бориши чет тилларни мукаммал билидиган кадрларга эҳтиёжни оширмоқда. Яқин истиқболда халқаро бизнес алоқалари ва туризм ривожланиши қўллаб имкониятларни очиб беради.

Дастурлаш соҳаси ҳам шундай, яъни бугунги кунда энг талаб юқори соҳалардан бири. Чунки ҳеч биримиз ахборот-коммуникация технологияларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз.

чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демакдир. Халқ демократик партиясининг бош дастурий мақсадлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган энг муҳим ғоялари ана шу таърифда муҳассамлашган, десак, тўғри бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ижтимоий сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайловолди дастуриимизда **ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат барпо этиш** мақсад қилиниб, ушбу йўналишда бир қатор ташаббуслар ўрин олган. Партиямиз ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларининг адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда.



Таъкидлаш лозимки, замонавий меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиқнинг муҳим шарти бўлган ушбу соҳа бўйича ёшларимизнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси **мактабларда чет тиллар ва ИТ ўқув соатларини кескин кўпайтириш** масаласини илгари сурмоқда. Чунки хорижий тилларни билмаслик ва уларда сўзлаша олмаслик, ИТ йўналишини яхши ўзлаштирмаслик ёшларнинг кўп имкониятлардан фойдаланиш даражасини чеклайди.

Дастурлаш — шунчаки код ёзиш эмас, балки сунъий идрок ёрдамида ақлни қархлаш ҳамдир. Бу ёшларимизга алгоритмлаш, мантикий фикрлашнинг ҳам ўргатади. Бу технологик ютуқлар орқали жамиятга ҳисса қўшиш демакдир. Қолаверса, йилдан-йилга сунъий идрок янада ривожланипти, кўп соҳаларга сунъий интеллект кириб келмоқда. Тараққиётнинг ушбу қақирғини таълим жараёнида инобатга олиш — давр талаби.

Бунинг учун, албатта, мавзуларни чуқурроқ тушуниш, кўникмаларни ошириш учун мактабларда назарий билим ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув соатларини, дарсларни кўпайтириш керак.

Яна бир муҳим томони бор. Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва ИТ бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали биз **мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишимиз аниқ.**

Таълим ва ислохотлар узвийлиги, таълим ва янги технологияларнинг боғланиши, ўз навбатида, ишсизликка қарши энг самарали чорадир. Шу ўринда “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурида **мактабгача ва бошланғич таълимда компьютер саводхонлигига оид машғулотлар ўтказилмаслиги ҳақидаги тақлифи билан** чиқаётгани бизни ажаблантирмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига фаол кириб келаётган ва келажак касблари қаторида кўрилаётган ИТ соҳасини ёшларимиз ўрганишга интилаётган, ота-оналар ўз фарзандларини имкон қадар ёшлигиданоқ ушбу соҳани чуқур ўзлаштириши учун қўшимча

курсларга бераётган бир вақтда рақибимизнинг ўта консерватив ушбу ғояси бугунги замон билан ҳамнафас эмаслигини кўрсатади.

Бугунги кунда **инклюзив таълимни ривожлантириш ва таълим жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш** партиямизнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олий таълим тизимини ислох қилиш йўналишида ҳам қатор илғор тақлифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, бизнинг **олий таълим муассасаларида таълим ваучери тизимини жорий этиш** тўғрисидаги ташаббусимиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биринчидан, ваучерлар талабаларга ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларини танлаш имконини беради ва шу орқали сифатли таълим олиш имкониятини оширади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши таълим хизматлари сифатини яхшилашда муҳим рағбат бўлади. Уларни талабаларни кўпроқ жалб этиш мақсадида ўз дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқитиш услуб ва технологияларини жорий этиш, инфратузилмани ривожлантиришга ундайди.

Учинчидан, таълим ваучери тизими талабаларнинг индивидуал эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради. Ҳар бир талаба ўз билимига ўзи хоҳлаганча сармоя кирита олади, бу эса келажакда янада малака ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг калитидир.

Шундай қилиб, таълим ваучерларининг жорий этилиши талабалар эҳтиёжлари ва бутун жамият эҳтиёжларига йўналтирилган янада мослашувчан ва самарали олий таълим тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Таълим ва тараққиёт қадимдан ёнма-ён юради, иккаласи бир-бирига хизмат қилувчи драйвер. Таълим соҳасида хозиргача рўй берган ўзгаришлар улкан меҳнат, катта эътибор ортидан келмоқда. Ҳали олдинда вазифа кўп. Қўзланган марраларга эришилганида мамлакатимизнинг илмий ва кадрлар салоҳияти, инсон капитали дунё даражасида юксалади.

Ўзини ўзи банд қилиш — иқтисодий фаоллик ва фаровонлик асоси

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг энг асосий омилларидан биридир.

Партиямиз фикрича, **ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади.** Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожланган давлатлар тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни **ижтимоий ҳимоя ман-**

равари миқдорида ижтимоий солиқ тўлаш кифоя.

Ҳамюртларимиз орасида турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар ҳам бор. Масалан, репетиторлар, энагалар, сартарошлар, курьерлар, автомобиль ювувчилар, хунаремандлар, тукувчилар ва яна бошқа касб эгалари ўзини ўзи банд қилувчилар бўлиши мумкин. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар бир киши ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзини ўзи банд қилиши мумкин.

Ўйлаб қарасак, бундай касб-хуналар билан одамларимиз аввалдан шуғулланиб келган. Масалан, қадимдан хунаремандчилик, устачилик, заргарлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касблар одамларимиз турмуш тарзининг асосини ташкил этган. Халқ демократик партияси эндиликда **ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш зарур**, деб ҳисоблайди.

Ўзини ўзи банд қилиш кўпинча кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамдир. Ўзини ўзи банд қилганлар учун шароитларни яхшилаш иқтисодийётни диверсификация қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун асос бўлган кичик бизнеснинг ривожланишига хизмат қилиши мумкин.

Бундай фаол инсонлар учун фаолият турларини кенгайтириш янада мослашувчан меҳнат бозорини яратишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янада инклюзив ва мослашувчан иқтисодиётни яратишга қаратилган. Фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш янада барқарор ва адолатли иқтисодий муҳитни яратишга ёрдам беради, бу эса узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка олиб келади.

Ишсизликдан ҳимоя қилишда ўзига хос ёндашув

Дунёнинг кўпгина давлатларида ишсизлик ҳолатларида мажбурий ижтимоий суғурта қилишнинг миллий моделлари жорий қилинган. Мисол учун, Германияда ишсизликдан суғурта тизими кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимининг бир қисмидир. Ишчилар ва иш берувчилар суғурта фондларига бадаллар тўлайди, иш жойини йўқотган тақдирда фуқаролар ишсизлик нафақасини олади. Франция тизими кенг ижтимоий ҳимояни таъминлайди ва ишсизликни мажбурий суғурталашни ўз ичига олади. Ушбу тизимда касaba уюмалари ва иш берувчилар суғурта фондларини бошқаришда иштирок этади.

Швецияда ҳам ишсизлик нафақаларини ўз ичига олган юқори даражада ривожланган ижтимоий суғурта тизими бор. Швеция моделининг муҳим элементи ишсизлар учун янги касбларни эгаллаш мақсадида қайта тайёрлаш дастурларини жорий этиш орқали фаол қўллаб-қувватлашдан иборат.

Халқ демократик партияси томонидан илгари сурилаётган **ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта қилишнинг миллий модели жорий этилиши** фуқаролар ҳаётининг оғир даврларида уларни моддий қўллаб-қувватловчи ижтимоий ҳимоя тизимини яратишда муҳим қадам бўлади.

Биз сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз.

Партиямизнинг парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиши, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг устунлигига эришиши ижтимоий соҳадаги режаларимиз янада тезроқ ва муваффақиятлироқ амалга оширилишини таъминлайди. Энг асосийси ҳамма учун қулай ва муҳим бўлган ижтимоий соҳа ривожлантирилади.

Феруза МАДРАҲИМОВА,

Виталий КИМ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

Терма жамоамиз турнир жадвалида етакчи ўринни сақлаб қолди

Хабарингиз бор, футбол бўйича навбатдаги Жаҳон чемпионати 2026 йилда тарихда илк маротаба учта мамлакат — АҚШ, Мексика ва Канада яшил майдонларида ўтказилади. Шу пайтгача дунёнинг 32 давлат терма жамоалари мундиал голиблиги учун кураш олиб борган бўлса, энди 48 та жамоа бош соврин учун беллашади.

«Жаҳон чемпионати — 2026»

Футбол сўнгги йилларда нафақат миллионлар ўйини, балки миллиардлар ўйини даражасига чиқиб бўлди. Чунки мазкур спорт жамоавий турлар ичида энг томошабоплиги билан мухлислари ўзига жалб этишда бошқа спорт турларини ортда қолдириб келади. Турли минтақа ташкилотларини бирлаштирган Халқаро футбол федерацияси — ФИФА доирасида бир нечта мусобақалар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳими, албатта, Жаҳон чемпионатидир.

“ЖЧ — 2026” учун саралаш баҳсларининг иккинчи босқичини муваффақиятли якунлаган футболчиларимиз айна пайтда учинчи босқич ўйинлари-

ни ўтказмоқда. Дастлабки икки ўйинда КХДР ва Қирғизистон мағлуб этилиб, юз фоизлик натижа — 6 очко кўлга киритилган эди. Спортчиларимиз кеча гуруҳдаги асосий рақиб Эрон жамоаси билан Тошкентда куч синашди. Шу пайтга қадар мазкур нокулай рақиб билан жами 14 марта турли мусобақаларда учрашган бўлсак, фақатгина битта ўйинда уларни ютганмиз. Қолган баҳсларда 3 та дуранг ва 10 та мағлубият қайд этилган.

“Бунёдкор” стадионида кечган учрашувнинг дастлабки дақиқаларида икки жамоа эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Чунки Эрон ҳам, Ўзбекистон



ҳам 6 очкодан жамғаришган, мазкур ўйиндаги мағлубият жамоаларнинг гуруҳ голиблиги учун курашда имкониятларини қисман пасайтириб юборар эди. 1-бўлимда, асосан, майдон марказида кечган беллашувнинг иккинчи қисмидан мухлислар кўп нарсани кутишганди. Бўлимни ҳужумкорлик билан бошлаган футболчиларимиз 57-дақиқадан майдонда бир киши кўп бўлиб ҳаракат қилди. Жамоамиз сардори Элдор Шомуродовга ишлатилган қўполликдан сўнг учрашувни бошқариб борган австралиялик ҳакам ВАР монитори орқали вазиятни кўриб чиқиб, эронлик ҳимоячи Солиҳ Гардонига қизил карточка кўрсатди. Шундан сўнг аксарият мухлиси мутахассислар ташаббус тўлиқ вакилларимиз томонига ўтишини кутишган бўлса-да, бироқ бундай бўлмади. Бир вазиятда Жалолиддин Машариповнинг яқин масофадан берган зарбаси дарвоза тўсини юқорисидан ўтиб кетганини ҳисобга олмаса, рақиб бошқа

ҳолатларда чуқур ҳимояланиб, керакли пайтларда ҳужумга ҳам ўтиб турди. Ўйинга қўшиб берилган дақиқаларда ўз жарима майдонимизда Рустам Ашурматовнинг қўлига тўп бехосдан тегиб кетди ва ҳакам дарвозамиз томон пенальти белгилади. Мазкур ҳолатга яна ВАР ҳакамлари аралашиб, бош ҳакамнинг пенальти белгилашига асос топмади ва у бекор қилинди. Сокин ўтган беллашув эса нурсиз дуранг билан якунланди — 0:0. Гуруҳнинг қолган икки учрашувда БАА — КХДР 1:1, Қатар — Қирғизистон 3:1 ҳисоблари қайд этилди.

Шундай қилиб, 3-турдан сўнг икки миллий терма жамоа ҳисобида 7 очкодан мавжуд. Энди футболчиларимиз 4-тур доирасида 15 октябрь куни БАА вакиллари билан пойтахтимизда баҳс ўтказишади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Кўксимни куйдирган аланга»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ёзувчилар уюشمаси аъзоси, шоир Муҳаммад Исмоилнинг “Бошимдаги тожим онам” ва унинг ижоди ҳақида замондошлари фикрлари жамланган “Қаторда норинг бўлса”, “Очиқ осмон остида” номли китобларининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот

“Кўксимни куйдирган аланга” дея номланган адабий-бадий кечага шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ижодкорнинг дўстлари ва яқинлари, талаба ёшлар жам бўлди.

Тақдирда сўзга чиққанлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди, шахсияти, сўнгги йиллардаги ижодий фаолияти, ақинда чоп этилган шеърӣ ва насрий тўпламлари борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Муҳаммад Исмоил шеърлари ўзининг жозибадор, самимий ва кўнгилга яқинлиги билан шеърят ихлосмандлари тилидан тушмай келади, — деди адабиётшунос Адхамбек Алимбеков. — Шоир бугун ҳам кизгин ижодий жараёнда, биз тақдимида қатнашаётган китоблар ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Ижодкорнинг насрдаги қадамлари ҳам дадил, ишонаманки, у аллақачон ҳикоясеварлар қалбидан ҳам жой эгаллаб бўлган.

Дарҳақиқат, ўқувчилар қўлига етиб бораётган “Бошимдаги тожим онам” китоби ҳам насрда ёзилган. Мазкур тўпلامда муаллиф ўз онаси тимсолида ўзбек оналарига таъриф беради. Шунингдек, адибнинг ҳулосалари, тажрибалари, сабоқлари, кузатишлари жамланган “Ён дафтаримдаги битиклар” туркуми ҳам ушбу китобдан ўрин олган. Унда муаллиф инсон, жамият ҳаёти



ҳақида ўз фикрларини баён этади.

— Китоб — инсоният эришган энг буюк хазиналардан бири. Ер юзидagi ҳамма тараққиётнинг аввали ундан бошланади, — деди шоирнинг ўзи. — Инсоният нимага эришган бўлса, китоб орқали эришган, илмга ҳам, маданиятга ҳам, тараққиётга ҳам, одоб-ахлоққа ҳам. Менинг китобларим инсоният тараққиётига, озгина бўлса-да, хизмат қиладими ё йўқ, билмайман, аммо китобларнинг инсон сифатида шаклланишидаги хизматларининг чек-чегараси йўқ. Мен бугун улкан китобот хазинасига бир зарра қўшмоқдан ва бундан катта ҳаяжондаман. Чунки мен бу китобларни қалбимнинг қони билан ёздим. Умид қиламанки, улар китобхонларга манзур келади.

Тақдир якунида шоир шеърларидан ўқилди, куй-қўшиқлар янгради, йиғилганларга тўпламлардан тўхфа этилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ЎЗБЕК «ҚИЗИЛ ОЛТИНИ»НИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Жорий йилнинг 8 октябрь куни Жиззах вилоятининг Бахмал туманида заъфарон плантациясини кенгайтириш, қуритиш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳасининг очилиш маросими ҳамда заъфарон туганак пиезбошиларини намунавий экиш тадбири ўтказилди.

Молия муассасаларида



Заъфарон — инсон саломатлиги учун тенгсиз хусусиятларга эга ўсимлик. Қадимдан ушбу گیёх зраворлар султони ёки “қизил олтин” дея эътироф этилиб, қиймати юқори баҳоланиб келинади.

Эътиборлиси, мамлакатимизда ташкил этилган заъфарон плантациялари жаҳон мексисда ахлит ҳудудда жойлашган плантацияларнинг энг йириги ҳисобланади.

Президентимизнинг шу йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифи давомида заъфарон плантацияларининг умумий ер майдонини 2 минг гектарга етказиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Жумладан, Бахмал, Галлаорол ва Зомин туманларида қўшимча 1,6 минг гектар заъфарон плантацияларини ташкил этиш белгиланди.

“BMB HOLDING” томонидан Италиянинг “FIN. OPERA SRL” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 120 млн. еврога тенг. Бунинг учун 70 млн. евро микдорда тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар, 37 млн. евро ташаббускор маблағи ҳамда 13 млн. евро ҳажмида “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит маблағлари жалб қилинди.

Утган давр мобайнида мазкур лойиҳа доирасида 60,8 млн. евро инвестициялар ўзлаштирилиб, қарийб 120 та доимий ва 25 мингта масумий иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, лойиҳа ташаббускори томонидан қўшимча равишда киритилган 5 млрд. сўм сармоя ҳисобига 2,5 км.га яқин йўللарга бетон қопламаси ётқизилиб, 25 — 30 км. узунликда электр тармоқлари тортилди. Натижада ҳудуд аҳолиси учун ҳам раво

йўллар ва электр энергиясидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Бугунги кунда холдинга қарашли корхоналар томонидан йигирмага яқин турда заъфаронли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар “BMB Za’faron” бренди остида

килоты томонидан ҳам ўрганилди. Натижада “BMB Za’faron”га “USDA ORGANIC” сертификати берилди.

Қолаверса, ўзбек “қизил олтини” дунёнинг энг йирик бозори — Хитойга экспорт қилиш бўйича ҳам Ўзбекистон ва Хитой идоралараро комиссияси ҳулосасига кўра рухсатнома олинган. Европа ва АҚШ бозорларига эса Италияда ташкил этилган қўшма корхона томонидан “ORO ROSSO Milano” бренди остида экспорт қилинмоқда.

Заъфарон плантациясида туганак пиезбошиларини намунавий экиш тадбирида жорий йилги экиш жараёни 20 сентябрда бошлангани, мавсум якунига кўра плантациялар умумий майдони 700 гек-



дунёнинг кўпгина давлатларига экспорт қилинмоқда.

Бунинг учун маҳсулотлар Италия, Франция, Нидерландия ҳамда Жанубий Корея давлатларидаги илғор лабораторияларда икки босқичли чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилди, ISO 3632-1/2011 халқаро стандарти асосида 1-тоифа сифат даражаси сертификатини олди.

Шунингдек, заъфарон плантациясида маҳсулотни экиш, етиштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, териб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш жараёнлари Нидерландиянинг “Control Union Certifications” таш-

тарга етказилиши режалаштирилгани маълум қилинди.

Иштирокчилар заъфарон майдонларида польшалик мутахассислар билан ҳамкорликда синов тариқасида қўлланила бошланган “AgroNanoGel Basic” гидрогель тизими билан таништирилди.

Таъкидланишича, гидрогель ўсимликлар учун сув захираси саналади. Унинг қўлланилиши вегетация даврида ўсимликлар учун оптимал сув шароитини ҳозирлаб, унинг сарфини 45 фоизгача тежайди.

Банк Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Бир қаватли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартларида қуриш бўйича инвестор ёки қурилиш ташкилотларини аниқлаш мақсадида танлов савдолари ўтказилади

Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинган.

Мазкур қарорларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Қашқадарё вилоятида жойлашган жазони ижро қилиш муассасаларида хизмат олиб бораётган ходимлари учун бир қаватли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартларида қуриш бўйича инвестор ёки қурилиш ташкилотларини аниқлаш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш режалаштирилган.

Мазкур танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган инвестор ёки қурилиш ташкилотлари томонидан қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш талаб этилади:

- Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг Низоми ва гувоҳномаси;
- Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак);
- Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;
- Солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;

5. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот;

6. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга бир қаватли уйлар лойиҳа тақлифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишида);

7. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармок режаси (тасдиқланган кўринишида);

8. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидаги ходимлар учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат тақлифи);

9. Лойиҳаланаётган бир қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи, саломатлик йўлаг, болалар майдончаси ҳамда воркаут спорт майдончалари бўлиши шарт;

10. Қурилиши режалаштирилаётган бир қаватли уйлар учун алоҳида иситиш ва электр тизими бўлиши, қурилаётган бир квартиралар уйларнинг электр энергия, ичимлик суви, табиий газ, оқова сувлари, алоқа кабеллари ҳамда бошқа ташқи коммуникация тармоқлари бўйича жойига чиқиб ўрганган ҳолда аниқ тақлифлар киритиш.

Шу жумладан, маълумот учун:

1. Қурилиши режалаштирилаётган бир қаватли уйлар бўйича инвестор ёки қурилиш ташкилотлари лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш (лоиҳа-смета, геология ўрганиш, топосёҳма ва қурилиш ишларига рухсат олиш) ишла-

ри учун ҳаражатларни инвестор ёки қурилиш ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига тегишли бўлган Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайхали қўргонидида қурилиш умумий майдони 45 000 м² (4,5 га) бўлган бўш ер майдони (бир квартиралар уйларни қуриш бўйича).

3. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига тегишли бўлган Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайхали қўргонидида жойлашган ер майдонида мавжуд омборхона биноларини бошқа ҳудудга қўчиришни ҳисоб-китобларда инобатга олиш.

4. Ушбу қурилиши режалаштирилган ер майдонининг жойлашув манзили; Қарши шаҳри, Шайхали қўргонидида бўш ер майдони ҳамда геолокация (38°55'33"N 65°45'46"E).

5. Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2024 йилнинг 10 ноябрь кунига қадар ўз тақлифларини ёпиқ пакетда муҳрланган ҳолда қуйидаги манзилга киритишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Бозор” МФЙ, Қорасув кўчаси, 32-уй. Мурожаат учун телефонлар.: 71-231-54-95, 94-955-11-17.

SUG'URTA KOMPAINIYASINI TANLASH BO'YICHA TANLOV BOSHLANISHI HAQIDA XABAR

“Ipak yo'li” aksiyadorlik innovatsion tijorat banki mansabdor shaxslarning javobgarligini sug'urta qilish to'g'risida shartnoma tuzish maqsadida sug'urta kompaniyasini tanlash bo'yicha tanlov boshlanganligini e'lon qiladi.

Tanlovda ishtirok etish va tanlov hujjatlariga talablarni olish uchun quyidagi manzilga murojaat qilishingiz mumkin: Toshkent — 100017, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 2-uy. Tender hujjatlar 2024-yil 8-noyabr soat 12:00 gacha qabul qilinadi. Murojaat uchun telefonlar: 78-140-69-39, 78-140-69-00 (ichki raqam: 1258). E-mail: a.ten@ipakyulibank.uz Murojaatlarni qabul qiluvchi shaxs: Aleksey Ten

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котиббист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.21 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6